

## ТИНТУВ ЎТКАЗИЛАЁТГАН ШАХС МАНФААТЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

Хомидов Вохиджон Адхамович

ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

### Аннотация:

Ушбу мақолада тинтув тергов ҳаракатини **ўтказиш давомида юзага келаётган айрим муаммолар ҳамда** тинтув ўтказилаётган шахс манфаатларини түлиқ кафолатлаш мақсадида амалдаги жиноят-процессуал қонунда унинг хуқуқ ва мажбуриятларини мустаҳкамлаш зарурлиги, тинтув ўтказилаётган шахс қидирилаётган мулкни беришга мажбур эмаслиги ва бу борада терговчи талабини бажаришдан бош тортган шахсга қандайдир ҳуқуқий чора кўлланилмаслиги, жиноят-процессуал қонунда терговчи тинтув ўтказишдан аввал олиб қўйилиши керак бўлган нарса ва хужжатларни беришни таклиф қилиши, тинтув ўтказаётган терговчи учун мазкур нормани кўллаш мажбурий аҳамият касб этиши, олиб қўйилиши керак бўлган нарса ва хужжатлар ихтиёрий равишда берилган вактда қидирув тадбирларини ўтказиш ёки ўтказмаслик масаласи терговчи ихтиёрига ҳавола этилганлиги асослантириб берилди.

**Калит сўзлар:** тергов ҳаракати, тинтув, санкция, суриштирувчи, терговчи, ажрим, қарор, баённома.

Терговчининг тинтув ўтказиш ҳақидаги қарори унга ва бошқа иштирокчиларга иш учун аҳамиятли бўлган нарса ва хужжатларни қидириб топиш мақсадида шахснинг турар жойига ёки бошқа биноларга кириш ҳуқуқини беради.

Тинтув ўтказилаётган шахсга нусхасини тақдим этгач, терговчи тинтув ўтказишида иштирок этаётган барча процесс иштирокчиларига уларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек уни ўтказиш тартибини тушунтириб ўтиши лозим. Бир қарашда мазкур қоидани қонунда акс эттириш ҳар жиҳатдан асосли кўринади. Чунки, ЖПК 160-моддасининг тўртинчи қисмида тинтув қилинаётганларга, холисларга, мутахассисларга, корхоналар, муассасалар,



ташкилотлар, ҳарбий қисмларнинг вакилларига тинтуб ўтказилишидан аввал уларнинг терговчининг барча ҳаракатлари чоғида ҳозир бўлиш ҳамда ана шу ҳаракатлар хусусида арз қилиш ҳуқуқлари тушунтирилиши кераклиги белгиланган. Лекин аксарият ҳолатларда тинтубда амалдаги ЖПКда процессуал мақомга эга бўлмаган шахсларнинг иштирок этиши ҳуқуқни кўллаш амалиётида айрим тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Агар шахс тинтуб ўтказилаётган вақтда процессуал мақомга эга бўлса, терговчи мазкур мақомни белгиловчи ЖПКнинг тегишли моддаларига таяниб иш кўриши лозим. Бироқ, айрим вазиятларда тинтуб процесс иштирокчиси бўлмаган шахснинг уйида ҳам ўтказилиши мумкин. Қолаверса, ЖПКда тинтуб давомида терговчига ёрдамга чақирилган шахсларнинг ҳам ҳукуқий мақоми ҳам белгиланмаган.

Шу ўринда хақли савол туғилади: тинтуб ўтказилаётган шахсга айнан қандай ҳукуқ ва мажбуриятлар тушунтирилиши лозим? Процессуал мақоми белгиланмаган шахсда тинтуб ўтказиш билан боғлиқ ҳолатда бу муаммо айниқса кескин тус олмоқда. Мазкур муаммони ҳал қилишда тинтуб ўтказиш шахснинг муҳим ҳуқуқлари (туар-жой дахлсизлиги, ёзишма сири, шахснинг ҳурмати ва шаънни хурмат қилиш ва ҳ.к)га жиддий дахл қилиши мумкинлигини инобатга олиш лозим. Бундан ташқари, аксарият ҳолатларда тинтуб шахс жиноят содир этганлигини фош қилиш, айлов далилларини олишга қаратилган бўлади. Шунинг учун ҳам тинтуб ўтказилаётган шахсга унинг процессуал мақоми бор ёки йўқлигидан қатъий назар унга ўз қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш имконини берувчи ўзига хос ҳуқуқлар тушунтирилиши лозим. Бу эса, юқорида қайд этганимиздек қонунчиликда кўзда тутилмаган.

Фикримизча, тинтуб ўтказилаётган шахс ҳуқуқларининг тўлиқ рўйхати ЖПКнинг 160-моддасида мустаҳкамлаб қўйилиши лозим, бу эса ўз навбатида уларни амалга оширишнинг кафолатларидан бири бўлиб хизмат қиласди. Ўзига хос мажбуриятлар рўйхати ҳам тинтуб ўтказиш тартибини таъминлаш ва терговчи томонидан мазкур тергов ҳаракати мақсадларига эришилишига хизмат қиласди.

Бизнинг наздимизда, бундай ҳуқуқларга қўйидагилар киради:



- тинтуб ўтказиш тұғрисидаги қарор ёки тегишли суднинг ажрими билан танишиб чиқиб, уларнинг нусхаларини олиш;
- баённомага киритилиши керак бўлган мулоҳазалар ва баёнотлар бериш;
- терговчига илтимоснома ва (ёки) бошқа мазмундаги қарши фикрларни баён қилиш;
- тинтуб вақтида аниқланган шахснинг шахсий хаёти, унинг шахсий ва (ёки) оиласвий сири билан боғлиқ шарт-шароитларнинг ошкор қилинишига йўл қўймаслик чораларини кўришни талаб қилиш;
- тинтуб баённомаси билан танишиш ва уларга аниқлик киритиш тұғрисида илтимоснома киритиш;
- тинтуб баённомаси нусхасини олиш;
- тинтуб вақтида терговчи ва бошқа иштирокчиларнинг ҳаракатларидан норози бўлиб шикоят қилиш;
- кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда ўтказилган тинтувнинг қонунийлигини текшириш бўйича прокурор хузурида ёки тегишли суддаги мажлисларда иштирок этиш.

Буларга қўшимча равища терговчи шахсга унинг процессуал мақоми билан кўзда тутилган бошқа хуқуқларини тушунтириши лозим.

Р.И. Оконенко адолатли равища қайд этганидек, жиноят-процессуал жиҳатдан тартибга солишини яхшилаш, жиноят иши юритишида иштирок этаётган барча шахсларнинг масъулиятини ошириш учун қонунда жиноят процессининг ҳар бир субъектини процессуал мажбуриятлари доирасини белгилаб қўйиш ва ушбу мажбуриятларни бажариш бўйича батафсил ишлаб чиқилган назорат чоралари тизими, биринчи галда процессуал санкциялар муҳим аҳамият касб этади[1].

Тинтуб ўтказилаётган шахснинг процессуал мажбуриятларини таҳлил қилишда қатор саволлар юзага келади. Улардан бири тинтуб ўтказилаётган шахс қидирилаётган мулкни беришга мажбурми ва терговчи талабини бажаришдан бош тортганлиги учун унга нисбатан қандайдир чораларни кўллаш мумкинми деган савол туғилади. Аввал кўрсатилганидек, тинтуб мажбурий характерга эга ва қонунда ўз ифодасини топмаган бўлсада одатда айловга доир далилларини тўплашга қаратилган. Яъни, тинтувнинг мақсади



асосан шахснинг жиноят содир қилганини фош қилиш ҳисобланади. Унга эришиш процессуал мажбурлашни қўллаш имконияти билан таъминланади. Бироқ, бундай мажбурлаш қандайдир ҳукуқбузарлик учун жазо чораси ҳисобланмайди, балки қидирув тадбирларини таъминлаш ҳамда тинтуб мақсадига эришиш воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Фикримизча, кўтарилиган масалани ечишда айбсизлик презумпциясидан келиб чиқиш лозим. Унинг мазмунига қўра гумон қилинувчи (айбланувчи) ўзининг айбсизлигини исбот қилишга мажбур эмас. Шунинг учун шахсга уларни фош қилувчи маълумотларни тақдим этиш мажбуриятини юклашга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси, ЖПКнинг 23, 66 ва 116-моддалари талабларига мувофиқ, гумон қилинувчи, айбланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги, гувоҳ ўзига қарши кўрсатув бермаслик ҳукуқига эга эканлиги ҳамда гумон қилинувчининг, айбланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчига, айбланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилинишлари мумкинлигини инобатга олиб, тинтуб ўтказилаётган шахс қидирилаётган мулкни бериш, шахснинг айбини фош қилувчи маълумотларни тақдим этиш ёки терговчининг бошқа талабини бажаришдан бош тортганлиги учун уларга нисбатан қандайдир ҳукукий чораларни қўллаш мумкин эмас.

Юқорида қайд этилганларни ҳисобга олган ҳолда ўзида ёки уйида тинтуб ўтказилаётган шахсга иш учун аҳамиятли бўлган нарса ёки ҳужжатлар тақдим этиш билан боғлиқ мажбурият юклатилиши мумкин эмас деган холосага келиш мумкин. Бизнинг наздимизда, терговчи таклифига қўра қидирилаётган ашёларни бериш тинтуб ўтказилаётган шахснинг хоҳиши ёки хоҳламаслигига боғлиқ бўлиб, бу унинг ихтиёрига қўра амалга оширилиши зарур.

Шу билан бирга, **тинтуб ўтказилаётган шахсга** унинг қуйидаги мажбуриятлари тушунтирилиши лозим:

- терговчининг бинога тегишли қарор асосида тўсиқсиз кириш тўғрисидаги қонуний талабларига бўйсуниш;
- қидирув тадбирларини амалга оширишга тўсқинлик қилмаслик;
- тинтуб тамом бўлгунга қадар шу бино ёки жойдан чиқиб кетмаслик;



- тинтув тамом бўлгунига қадар бир-бирлари билан ёки бошқа шахслар билан мулоқот қиласлик;
- шахсий тинтув ўтказилишига розилик бериш;
- тинтув ўтказилишига бошқача йўллар билан тўсқинлик қиласлик (масалан, ашёларни йўқ қилиш орқали).

Агар тинтув ўтказилаётган шахс томонидан унга юклатилган мажбуриятлар бажарилмаса бу факт баённомада акс эттирилиши лозим. Шунингдек, тинтув тергов ҳаракатининг қонунда белгиланган тартибда олиб борилишини таъминлаш мақсадида терговчи томонидан шахсга нисбатан мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкинligini тушунтириш лозим.

Тинтув ўтказиладиган шахсга хуқук ва мажбуриятлари тушунтирилгач, терговчи унга амалдаги ЖПК 161-моддасининг олтинчи бандига мувофиқ жиноят иши доирасида олиб қўйилиши керак бўлган нарса ва ҳужжатларни ихтиёрий беришни таклиф қилиши лозим. Тинтув ўтказилаётган шахс учун мазкур қонун нормаси жуда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, қидирилаётган предметларни ихтиёрий равишда тақдим этилиши терговчига қидирув тадбирларини ўтказмаслик ва тақдим этилган нарсаларни олиш билан чекланиш имконини беради. Бунда тинтув ўтказилаётган шахс турли мотивларга таяниши мумкин — бирон-бир сир (шахсий, оилавий) сирнинг фош этилишига йўл қўймаслик учун ўз турар-жойининг дахлсизлиги бузилишига йўл қўймаслик ёки уни фош қилувчи предметлар топилиши ва олиб қўйилишининг олдини олиш.

Гарчи қонун чиқарувчи жиноят-процессуал қонунда терговчини “олиб қўйилиши керак бўлган нарса ва ҳужжатларни беришни таклиф қилади” деган жумладан фойдаланган бўлса-да, бизнинг назаримизда тинтув ўтказаётган терговчи учун мазкур нормани қўллаш мажбурий аҳамият касб этиши шарт. Чунки, шахсни жиноят иши учун талаб этилган предметларни ихтиёрий равишда тақдим қилиш хуқуқидан маҳрум этилиши, унинг манфаатларини сезиларли равишда чекланишига олиб келади.

Шу билан бирга, тинтув ўтказилаётган шахс томонидан қидирилаётган предметларнинг ихтиёрий равишда топширилиши терговчи учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. А.М.Цахаев адолатли равишда қайд этганидек, ихтиёрий равишда тақдим этиш тинтув вақтида предметнинг ташлаб қўйилишига оид



талқинни рад этади ва тинтув ўтказилаётган шахс мазкур предметга эгалик қилганига икрор бўлганини тасдиқлайди[2].

ЖПКнинг 161-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ, башарти жиноят иши учун муҳим аҳамият касб этиши мумкин бўлган ва олиб қўйилиши керак бўлган ашёлар, хужжатлар ва бойликлар ихтиёрий равища топширилган тақдирда, терговчи томонидан олиб қўйиш баённомаси тузилади.

Лекин қидирилаётган нарса ёки ҳужжатлар берилмаса ёхуд тўлиқ ҳолда топширилмаган бўлса, терговчи тинтув ўтказади. Маълум бўладики, кўриб чиқилаётган қонун талаби қайсиdir маънода қидирув тадбирларини ўтказиш ёки ўтказмаслик масаласини терговчи ихтиёрига ҳавола этган.

Шунинг учун ҳам мазкур масалада А.Р. Ратиновнинг қуидаги фикрига кўшилиш мумкин: “Агар терговчи талаб этилган нарсалар берилганлигига тўлиқ ишончи комил бўлса, қидирилаётган нарсалар берилаётган вақтда тинтув ўтказишдан воз кечиш мумкин”[3].

Бундай ҳолларда қидирув тадбирларини ўтказмаслик ҳақидаги қарор терговчининг амалий иш тажрибаси, ички ишончи, шунингдек, мазкур тергов ҳаракатини ўтказишдан аввал тинтув ўтказилаётган шахсга доир тўпланган маълумотлар, қидирилаётган предметлар ва тинтув ўтказилаётган объектнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилишини лозим.

Мазкур йўналишда терговчилар ўртасида ўтказилган сўров натижалари қизиқ. Сўров иштирокчиларининг 88 нафари (44%) нарсалар ихтиёрий равища топширилганлигига қарамай, доимо бинода тинтув ўтказади. Терговчиларнинг 106 нафари (53%) қидируv тадбирларини ўз ихтиёрига кўра ўтқазган ёки ўтқазади ҳамда бунда шахсий тажрибаси ва ички сезгисига таянади. Атиги 6 нафар терговчи (3%) нарсалар ихтиёрий равища топширилса, тинтувни шу заҳотиёқ яқунлайди<sup>1</sup>.

Биз томонимиздан ўрганилган жиноий ишлар орасида атиги 11 та ҳолатда (4.9%) терговчи томонидан қидирилаётган предметлар ихтиёрий равища топширилган. Бундан 3 та ҳолатда терговчи шунга қарамасдан, қидируv тадбирларини ўтқазган ва улар давомида далил бўлиб хизмат қиладиган қўшимча предметлар аниқланган ва олиб қўйилган. Шундай қилиб, тинтув бошланишидан олдин фуқаро Ф. ихтиёрий равища тезкор ходимларга фольга

<sup>1</sup> Тадқиқот давомида ўтказилган сўровнома натижаларининг таҳлили.





## Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences

Hosted online from Toronto, Canada.

Date: 5<sup>th</sup> May, 2023

ISSN: 2835-5326

Website: econferenceseries.com

бўлакларини тақдим этади, унинг сўзларига кўра, уларда героин наркотик моддаси сақланган. Шундан сўнг қидирув тадбирлари вақтида 8 та патрон ва наркотик модда ўралган битта ўрам топилади<sup>2</sup>.

Бундай ҳолатлар тинтув ўтказилаётган шахслар нарсаларнинг ихтиёрий равишда топширишдан тергов учун бунданда муҳим аҳамият касб этган предметларни яшириш учун фойдаланиши мумкин. Шунинг учун ҳам қидирилаётган нарса ёки ҳужжатлар тўлиқ берилган ёхуд топширилган бўлсада, лекин юзага келган вазиятдан келиб чиқсан ҳолда терговчи тинтув тергов ҳаракатини ўтказишни лозим деб топса, гарчи жиноятга доир қўшимча нарса ва буюмлар топилмаган бўлсада, унинг ҳаракатларини қонуний деб топиш зарур.

Юқоридаги мақоламизга хulosа ва айрим вазиятларда тинтув процесс иштирокчиси бўлмаган шахснинг уйида ҳам ўтказилишини ва ЖПКда тинтув давомида терговчига ёрдамга чақирилган шахсларнинг ҳам ҳукуқий мақомидан келиб чиқсан ҳолда амалдаги ЖПКга мазкур нормани акс эттириш мақсадга мувофиқ деб хиссоблаймиз.

### 160<sup>1</sup>-модда. Тинтувдан ўтказилаётган шахснинг ҳукуқлари ва мажбуриятлари

Тинтувдан ўтказилаётган шахс қўйидагиларга ҳақли:

тинтув ўтказиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим билан танишиш ва уларнинг нусхаларини олиш;

тинтув ўтказаётган мансабдор шахснинг хизмат гувоҳномасини кўрсатишини талаб этиш;

тинтув жараёнида бевосита иштирок этиш ва ваколатли шахсларнинг ҳаракатини кузатиб бориш;

mansabdar шахсга эшикларнинг қулфини очиб бермаслик ёки компьютер ва мобил қурилмалар паролини айтмаслик ҳамда тинтув давомида берилган саволларга жавоб бериш ёхуд саволларга жавоб беришдан бош тортиш;

олиб қўйилаётган ҳар бир нарса ва ҳужжатларни кўрсатилишини талаб қилиш;

тинтувни ўтказаётган мансабдор шахсга илтимоснома, таклиф ва (ёки) бошқа мазмундаги фикрларни баён қилиш;

<sup>2</sup> Тадқиқот давомида ўрганилган жиноий ишлари.



тинтув вақтида аниқланган шахснинг шахсий ҳаёти ва (ёки) оилавий сири билан боғлиқ шарт-шароитлар ва бошқа маълумотларнинг ошкор қилинишига йўл қўймаслик чораларини қўришни талаб қилиш;

тинтув баённомаси ва видеоёзуви билан танишиш ва унга аниқлик киритиш тўғрисида илтимоснома, мулоҳаза ва ёки бошқа мазмундаги баёнотлар бериш; тинтув баённомасининг нусхасини олиш;

кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда ўтказилган тинтувнинг қонунийлигини текшириш бўйича прокурор ҳузуридаги ёки тегишли суддаги мажлисларда иштирок этиш.

Тинтувдан ўтказилаётган шахс:

ваколатли шахснинг бинога тегишли қарор асосида тўсиқсиз кириш тўғрисидаги қонуний талабларига бўйсуниш;

қидирув тадбирларини амалга оширилишига тўсқинлик қилмаслик;

шахсий тинтув ўтказилишига қаршилик билдирамаслик;

тинтув тамом бўлгунига қадар шу бино ёки жойдан чиқиб кетмаслик, телефон орқали ёки бир-бирлари билан ёки бошқа шахслар билан мулоқотга киришмаслик;

тинтув ўтказувчи шахсларнинг ўз вазифаларини бажаришида уларга тўсқинлик қилмаслиги шарт.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. <https://www.dissercat.com/content/elektronnye-dokazatelstva-i-problemy-obespecheniya-prav-grazhdan-na-zashchitu-tainy-lichnoi>
2. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=41290240>
3. <https://knigogid.ru/books/1910320-obysk-i-vyemka/toread>
4. Ботаев М. Д. Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш //Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – 2020.